

«КЕЛИШИЛДИ»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
танлов комиссиясининг

«01» Апрел 2022 йилдаги
2 -сонли йиғилиш
баёнига асосан

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
бошлиғи

Ф.Р. Туреунов



«08» Апрел 2022 й.

Косон туман тиббиёт бирлашмаси Пуллик хизмат бўлимига
пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарадиган
ташкilotни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

Косон – 2022 й.

ТАРКИБИ

- I. Таълов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Таъловнинг техник қисми.
- III. Таъловнинг нарх қисми.
- IV. Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий ҳолатлар.
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралда «Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:
- Косон туман тиббиёт бирлашмаси Пуллик хизмат булимига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун
- 1.3 Косон туман тиббиёт бирлашмаси хўжалик мудиринг талабномаси танловни ўтказиш учун асос ҳисобланади.
- 1.4 Танловни ўтказишда унинг чегара қиймати шартноманинг умумий қиймати 01 январ ойидан 31 мартгача бўлган давр учун 6 033 394.00 (Олти миллион ўттиз уч минг уч юз тўқсон тўрт) сўмдан ошмаслиги зарур.
- (танловда таклиф қилинган пархлар ундан юқорини таъкил қилмаслиги зарур)*
- 1.5 Харид қилинадиган хизматлар техник топширини мазкур танлов ҳужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакли – юзма-юз.
- 2 Танлов ташкилотчилари
- 2.1 Косон туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.
- «Буюртмачи» манзили:
- Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи Оброн МФЙ, 180800.

«Буюртмачи» реквизитлари:

МФО 00014,

ИНН 201615066

х/р 401322860102297073101054001

«Марказий банк Тош ш» ХККМ

2.2

Таълов ташкилотчиси контакти:

Шартнома мажбуриятларини бажариш ва
газначилик бўлими, бўлим бошлиғи

Тел.: Моб: (75) 592 46 03

e-mail: koson.tssb@minzdrav.uz

Техник саволлар бўйича масъул контакти:

У. Шерқулов

Тел.: (91) 469 62 04

2.3

Таълов комиссияси ишчи органи:

Косон туман тиббиёт бирлашмаси иш ва
хизматлар таъловини амалга оширувчи
таълов комиссиясининг таъловларни
ўтказишдаги ишчи органи масъул котиби
(«кейинги ўринларда – таълов
комиссияси»).

Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қўйи
Оброн МФЙ 180800

2.4

Шартнома тузувчи: Косон туман тиббиёт
бирлашмаси

2.5

Таълов буюртмачи томонидан ташкил
қилинган таълов комиссияси томонидан
ўтказилади.

3 Таълов иштирокчиси

3.1

Таъловда мазкур таълов ҳужжатларининг
4.2-бандида кўрсатилган юридик
шахслардан бошқа, мулкчилик шаклидан
қаъгий назар барча турдаги юридик
шахслар, шу
жумладан, кичик бизнес субъектлари
иштирок этгани мумкин

4 Таъловни ўтказиш тартиби

4.1

Таълов иштирокчиси таъловда қатнашиши учун:

- таълов шартлари билан тўлиқ таниши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган таълов ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);
- таълов ҳужжатларида кўрсатилган талабларни эътиборга олган ҳолда унда иштирок этиш тўғрисида расмий таълов таклифи бериши зарур.

4.2

Таъловга қўйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия/гувоҳнома шинг мавжуд эмаслиги;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжудлиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- буюртмачи билан охириги уч йил ичида тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;
- буюртмачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўрилаётган бўлса;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги.

4.3

Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилда иштирок этишдан четлаштиради:

- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор

кабул қилиш ёки бирон-бир таълов таъминини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

– иштирокчи адолатсиз таълов устулигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5 Таълов тили, ўлчов бирликлари. 5.1

Таълов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзмамалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.

Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.

5.2 Таълов таклифида метрик ўлчов тизмидан фойдаланилиш шарт.

6 Таълов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари 6.1

Таълов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида таълов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган маъзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

6.2 Таълов иштирокчиларининг таклифлари ни билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларининг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

6.3

Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаи ва вақти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса)

6.4

Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул ҳисобланади;
- фақат битта таклиф бериш ҳуқуқига эга;
- тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

6.5

Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:

1) техник қисми Буюртмачининг техник топшириғида кўрсатилган талабларга мос келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўғрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;

2) нарх қисми танлов шартларига мувофиқ бўлиши ва товар (хизмат, иш) помланиши, товарнинг (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нархи, умумий қиймати, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифни амал қилиш муддати ва ҳ.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

6.6

Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва гашкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади.

Танлов таклифи елимланган конвертда конвертнинг елимланган жойида иштирокчининг муҳри қўйилган ҳолда тақдим қилинади.

6.7

Конвертда қуйидагилар кўрсатилиши зарур (8 шаклга мувофиқ):

- танлов предмети номи;

- иштирокчининг номи;
- буюртмачининг номи ва унинг манзили;
- «таклифларни бериш муддати тугагунга қадар очилмасли (конвертларни очиб санаси ва вақти кўрсатилади)» ёзуви.

6.8 Техник таклифлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:

- мазкур йўриқнома иловасидаги 6 шаклга мувофиқ таклиф қилинаётган маҳсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник тенгириққа таққосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар;
- мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун руҳсат берилганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатлар;
- бошқа техник ҳужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар).

6.9 Нарх қисми бўйича ҳужжатларини мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:

- мазкур йўриқнома иловасидаги 7 шаклга асосан тўлдирилган таклиф қилинаётган нарх тўғрисидаги маълумотлар.

6.10 Ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажарилиши ва газначилик бўлими) таплов таклифлари солинган конвертларнинг бутлиги ва ишончли сақланишига жавобгар ҳисобланади.

6.11 Тапловга таклифларни қабул қилиш маҳсуе ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Таплов таклифлари Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Коси тумани, Қўйи Оброн қишлоғи, 180800.почта индекси манзили бўйича қабул қилинади.

Белгиланган муддатдан кейин тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди ва қайтариб юборилади.

6.12 Таклифнинг амал қилиш муддати таплов таклифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камиди 10 кунга амал қилиши зарур.

- 7 Танлов таклифларини бериш муддатларини узайтириш 7.1 Иштирокчининг асослантирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.
- 7.2 Танлов таклифларини қабул қилиш муддати ўзгарганлиги (узайтирилганлиги) тўғрисидаги огоҳлантириш танловда иштирок этаётган барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс орқали юборилиши зарур.
- 7.2 Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон маҳсуе ахборот порталда жойлаштирилади.
- 8 Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш 8.1 Давлат буюргмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.
- 8.1 Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 9 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш 9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларини баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.
- 9.2 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.3

Таълов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар таълов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган таълов иштирокчисининг таклифи, уни расмийлаштирилиши мазкур таълов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, таълов комиссияси ушбу таълов иштирокчиси таклифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.

9.4

Таълов ғолибини таълов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Таълов ҳужжатларини баҳолаш мақсадида таълов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустақил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гуруҳ тузишга ҳақли.

9.5

Таълов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчининг харид қилиш тартиб-таомилсининг исалган босқичида таъловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

9.6

Таълов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган таълов иштирокчиси ғолиб деб топилади (2 илова).

Таъловда иштирок этишдан четлаштирилмаган таълов иштирокчиларининг таклифлари нарх қисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин таълов таклифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.

9.7

Агар таклиф Қонун, Қарор ва таълов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

- 9.8 Таклифни киритган таълов иштирокчиси Қонунда, Қарорда ва ушбу таълов ҳужжатларида белгилаган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади.
- 9.9 Баҳолаш пайтида таълов комиссияси таълов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда таълов ташкилотчиси (шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими) орқали белгилаган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.
- 9.10 Таълов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган таълов иштирокчиси ғолиб деб топилди.
- 9.11 Таълов таклифларида арифметик ёки исгалган бошқа ҳағолар мавжудлиги аниқланганда, бундай таклифлар таълов комиссияси томонидан кўриб чиқилиш рад этилиши мумкин. Бу ҳақда таълов иштирокчисига маълум қилинади.
- 9.12 Барча учун таълов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни сақлаш учун таълов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чиқиб қўллашиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатга олинади.
- 9.13 Таклифларни кўриб чиқилиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқилиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 9.14 Таклифларни кўриб чиқилиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда унда олишган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кунини ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

9.15

Таъловнинг исталган иштирокчисини таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига таълов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кунини ичида таълов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этишни шарт.

10 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийлигининг амал қилиши

10.1

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан қуйидагиларга жавобгарлик юклатилган:

- ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими) аъзолари ҳисобланган шахсларга – келиб тушган таълов таклифларининг бутлиги, махфийлиги ва бошқа шахсларга ошқор қилинмаслиги бўйича;
- таълов комиссияси раиси ва аъзоларига, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошқор қилинмаслиги, таълов иштирокчилари, жалб қилинган мутахассис ва экспертлар билан қайсидир иштирокчига устунлик бериш ёки қайсидир иштирокчинини камситиш/четлатиш мақсадида тил бириктирмаслик ва бошқа ноқонуний ҳагги-ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича;
- таълов ҳолибига – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (миқдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошқа техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.

11 Бошқа шартлар

11.1

Буюртмаси таълов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонида илгари етказиб

берилган (кўрсатилган) учинчи шахдан фикр-мулоҳаза сўраши мумкин.

11.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда (9 шакл) тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.

11.3 Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориш шарт.

11.4 Танлов комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилгани мумкин:

- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;
- тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий ҳужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия хулосасига кўра четлаштирилган бўлса.

11.5 Буюртмачи ҳолиб бўлган таклиф акцентига қадар исалган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асослаштирилган сабабларини эълон қилади.

12 Шартномани расмийлаштириш

12.1

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ҳолиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.

12.2

Таълов натижаларига кўра таълов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг таъловда ғолиб бўлганлиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади.

12.4

Таълов ғолиби таълов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижросисига ўтади. Бунда захира ижросисен таълов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Косон туман Тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи биринчи ўринбосари

Ж.Х.Хамроқулов

Косон туман тиббиёт бирлашмаси
бош бухгалтери

У.А. Шерқулов

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси бош иқтисодчиси

Р.Д. Абдуллаев


Туман тиббиёт бирлашмаси
касаба уюшма раиси

Ш.Н. Эргашов

Хўжалик ишлари мудир

Ж.Т.Бобоев

"Тасдиқлайман"

Косон ТТБ бош врач  О. Нарбаев.

Косон 11 Ёга қарашли, 2022-йил январь февраль март ойлари учун таиер иссик овқат сотиб олиш режаси пуллик беморлар у -н

№	Таом номи	Улчов бирлиги	Талаб (кун)	Микдори	Нархи	Умумий сумма
1	Маства	порц	9	10	10 017,0	901 530
2	Перловка	порц	5	8	10 067,0	402 680
3	Макарон шурва	порц	9	10	9 992,2	899 298
4	Нухат шўрва (горох)	порц	9	10	10 107,0	909 630
5	Мошхўрда	порц	9	10	10 036,0	903 240
6	Угра оши	порц	5	10	10 157,0	507 850
7	гречка қайлали	порц	5	10	10 072,0	503 600
8						0
9						0
10						0
11						0
12						0
13						0
14						0
15						0
						0
						0
	Жами:					5 027 828
	Хизмат кўрсатиш 20%					1 005 566
	Жами:					6 033 394

Бош ҳисобчи: Шеркулов У 

Пархез ҳамшираси Шукуруллаева Д 